



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (12.092)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



...Замонавий ўқув-лаборатория хонаси. Бу ерда ўқувчилар физикадан иссиқлик ҳодисалари бўйича амалий тажрибани иштиёқ билан синовдан ўтказмоқда.



Мухаммад Амин (Ўаб) олган суратлар

Ўқувчилар бу жараёнда ўз фикри, билими билан фаол иштирок этаётди. Ўқитувчи уларнинг мавзуга доир кўникмаларини янада мустаҳкамлаш учун мультимедия воситасида экранда анимацияли тасвирларни намойиш қилади.

Бу – пойтахтнинг Хамза туманидаги 69-мактабнинг олтинчи синф ўқувчилари физика фанидан ўтаётган лаборатория дарсидан бир лавҳа.

Бугун мамлакатимизнинг деярли барча мактабларида дарслари ана шундай кўргазмалар воситалари ёрдамида ўтиш имкониятлари мавжуд. Мактабларимизнинг замонавий қиёфасини кўрган катта ёшдаги кишилар ўқувчилик даврини, илгариги пайтдаги таълим жараёни манзараларини беихтиёр кўз олдига келтириши шубҳасиз.

Таълим

...Эски мактаб, омонатгина парталар, хира доска, икки ўқувчига бир китоб. Синфхонанинг деворларига эскириб кетган «қўлбола» кўргазмалари қуроллар осилган. Ўқувчилар физика, кимё каби фанлардан лаборатория машқури ўтиш мумкинлигини, махсус синф хоналар бўлишини тасаввур ҳам қила олмайди.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, юксак интеллектуал салоҳиятни, бой дунёқарашга эга баркамол авлоднинг тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури изчиллик билан амалга оширилди. Кўпга мактаб, коллеж, лицейлар барпо этилди, мавжудлари тубдан таъмирланди, замонавий ўқув-усули воситалар, ахборот технологиялари билан жиҳозланди.

2011 йилнинг ўзида энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган 166 янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 мактаб капитал таъмирланди, саккиз юз эликдан зиёд таълим мактанларида ўқув компьютер синфлари ташкил этилди. Буларнинг барчаси келажакимиз эгаси бўлган навқи-

рон авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай камолга етишида муҳим омили бўлаётди.

Таълим масканимизда барча фанларни амалий машғулотлар билан уйғун ҳолда ўқитиш учун барча имконият яратилган, – дейди Хамза туманидаги 69-мактаб директори Раҳима Бобонова. – Саккиз юз нафар ўқувчи таълим олаётган мактабимизда қирққа яқин ўқув хонаси мавжуд. Фанларга оид кўргазмалар ўқув қуроллари, замонавий лаборатория-тахлил ускуналари ва ахборот технологиялари – ўқувчилар ихтиёрида.

Хусусан, физика ва кимё фани хоналаридаги ҳар бир партага лаборатория-тахлил ўтказишда ишлатилган микроскоп, оптик ас-

сойдаланамиз, бу ўқувчиларнинг мавзунини тўла тушунишига хизмат қилади, – дейди биология фани ўқитувчиси Муҳиба Пулатова. – Мавзуларни чуқур тушуниришда саҳна кўринишлари, турли ўйинлар, расмлар ва жадвал билан ишлаш, бошқотирма машғулотлар ўтказиш услубларига таянамиз. Шу аснода ўқувчиларнинг экологик дунёқарашини шакллантириш, уларда табиатга муҳаббат уйғотишга ҳаракат қиламиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу борада таълим муассасаларидаги «Маънавият ва маърифат хона»ларининг ташкил этилгани муҳим омили бўлаётди.

Мазкур мактабда ҳам «Оила – мактаб – маҳалла» ҳамкорлигини ривожлантириш ва амалга ошириш доимий эътиборда. Ҳар ойда ўтказиладиган ота-оналар йиғилишида таълим-тарбиядаги ютуқлар, ечимини кутаятган масалалар таҳлил этилади, вазифалар белгилаб олинади. Ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар иштирокида ободонлаштириш ойлари, янги адабиётлар билан танишиш, касбга йўналтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид тадбирларни мунтазам ташкил этиш яхши анъанага айланган.

Буларнинг натижасида 2011 йилда мактабнинг йигирмага яқин ўқувчиси фан олимпиадалари ва «Билимлар беллашув» танловининг шаҳар босқичида совриндор бўлди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган «Камалак билимдонлари» республика танловида мактаб ўқувчилари 1-ўринни эгаллади.

Ҳа, юртимиз таълим тизимидаги изчил ислохотлар ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни эзгу орзу-умидларимиз рўёби, улуг аждодларимизнинг муносиб давомчилари этиб вояга етказишга хизмат қилмоқда. Бу эса нафақат бугун, балки эртанги фаровон ва бахтли ҳаётимизнинг муҳим қафолати.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЮРАГИ»

Яқинда Бельгияда чоп этиладиган оммабоп «Weekend KNAAK» журнали саҳифасида таниқли журналист ва фотомусаввир Йохан Франсеннинг «Ўзбекистон – Буюк Ипак йўлининг юраги» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

Ушбу мақола муаллифнинг Ўзбекистон бўйлаб саёҳати чоғида орттирилган таассуротлар асосида тайёрланган бўлиб, унда халқимизнинг бебаҳо маданий мероси ва бой тарихи, диққатга сазовор масканлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кўп сонли журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган. Хусусан, у Ўзбекистон пойтахти – Тошкент ўзини жуда мафтун қилгани, бу шаҳар кишида келажакка қомил ишонч туйғуларини уйғотишини қайд этади.

Мақолада таъкидланганича, Тошкент ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида бир неча мартаба байронгарчиликка рўпара келган, бунинг «сабаби урушлар ёхуд 1966 йилда содир бўлган муҳим зилзила сингари табиий офатлар эди. Аммо, шунга қарамай, шаҳар ҳар гал қайта туғилган ва янада гўзал манзара касб эта борган», деб ёзади Й.Франсен.

Муаллиф Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилганидан сўнг Тошкент сезиларли даражада ўзгариб кетгани ва мамлакат Президент Ислам Каримов раҳбарлиги остида ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олгани ҳолда эркин бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган кенг қўламли ислохотларни ўтказиётганини журналхонлар эътиборига ҳавола этган.

Муаллиф ўз мақоласида Тошкентнинг тақдорини мас рағналар уйғунлигига бой бўлган кўча ва бозорларини, уларда тақриф қилинадиган маҳсулотлар ва турли-туман ноъ-неъматларни тасвирлашга алоҳида эътибор қаратган.

«Чорсу бозори яқинда XVI асрда асос солинган ва бугунги кунда ҳам машҳур диний таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатаётган Кўкалдош мадрасаси қарор топган. Бу ерда нафақат диний илмлардан, балки астрономия, математика ва тиббиёт фанларидан ҳам сабоқ берилади. Собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида кўпчилик мадрасалардан омондор ва маҳсулот сакланадиган жойлар сифатида фойдаланилган, аммо мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистонда уларнинг барчаси қайта тикланиб, жиддий таъмирланди ва ҳозир уларнинг таълим кўриниши, безак ва жиловлари асл ҳолига келтирилган», деб ёзади муаллиф.

Мақоланинг «Ипак йўли» деб номланган бўлимида Ўрта Ер денгизини Хитой ва Узоқ Шарқ билан боғлаган қадимги қаровон йўллари ҳақидаги тарихий маълумотлар атрофида қаламга олинган. «Бу йўл бўйлаб сатин ва ёқутлар, қоғоз ва чинни буюмлар, хушбўй атирлар, чой ва қимматбаҳо матолар ўн минг қаҳиримдан зиёд масофада бир шаҳардан иккинчисига олиб борилган. Буюк Ипак йўли кўча Сиан шаҳридан бошланиб бугун Ўрта Осиё ҳудуди орқали Яқин Шарққа етиб борган. Шимолий тармоқ Қрим ва Қора денгизгача, жанубий йўллар эса Месопотамия орқали Антоҳияга элган. Бу йўл орқали нафақат турли мол-товарлар, балки маданий ангилликлар, илм ва дин билан боғлиқ ахборотлар алмашилган. Шарқ ва Ғарб ўртасида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива Ўзбекистоннинг энг машҳур сайёҳлик шаҳарлари бўлиб, улар ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган».

Сўнгра журналист ўқувчилар эътиборини Нукус шаҳрига қаратар экан, «собиқ шўролар салтанати даврида олиб борилган пахта экиш монополияси сиёсати туфайли Орол денгизи «оқ олтин»нинг қурбонига айланганини» афсус билан қайд этади. «1960 йилдан бошлаб сувдан ноқулона фойдаланиш туфайли Орол денгизи ярмигача саёзлашиб кетди, бу эса ўз оқибатлари билан муҳим экологик ҳалокатга олиб келди», деб ёзади у.

Й.Франсен эслатиб ўтганидек, «айнан шу ерда мусаввир Игорь Савицкий Қорақалпоғистоннинг аънавий кийимлари ва зеб-зийнатларидан ташқари рус авангардчилари ишларининг ажойиб намуналарини тўплаган бўлиб, у катталиги ва аҳамияти жиҳатидан Санкт-Петербургдаги Рус музейидан кейин иккинчи ўринда туради». «Шўролар раҳбариятининг ақидаларига мос келмаган тасвирий санъат шу ерда, цензурадан узоқроқда яшириниш учун овлоқ жой топган», дея ўз фикрини давом эттиради Й.Франсен. Унинг эътирофи эътиборига олиб қилинди, Савицкий музейи эса бутун дунёга машҳур бўлиб кетди».

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тўрткўл туманидаги «Алкен-мебель» масъулияти чекланган жамияти бундан беш йил муқаддам банкнинг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобига фаолият бошлаган эди. Ўтган даврда бу ерда тайёрланган сифатли ва бежирим мебеллар харидорлар эътиборига тушиб, буюртмачилар сони ортди. Шундан келиб чиқиб, яқинда корхонанинг яна иккита филиали ташкил этилди. Натижада маҳсулотлар ҳажми кескин ортиб, корхона ишчилари сони 30 нафарга етди.

• Қизилтепа туманида лойиҳа қиймати 150 миллион сўмлик «Тошработ оқ чашмаси» хусусий корхонаси ташкил этилди. Мазкур лойиҳа тадбиркор Акбар Ансаров сай-ҳаракати билан амалга оширилди. Ҳозир бу ерда хорижий замонавий технологик жиҳозлари ёрдамида 10 турдаги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

• Шеробод тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш ва фойдаланиш корхонасида йилга 21 минг тонна асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технологик линия ишга туширилди. Мазкур лойиҳа 2 миллиард сўмлик маблағ эвазига рўёбга чиқарилди. Натижада ҳақиқатан 15 та иш ўрни яратилиб, ойига 1600 тоннагача асфальт тайёрлаш йўлга қўйилди.

• Чирчиқ шаҳридаги «Chirchiq anter» масъулияти чекланган жамиятининг ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ бу ерда замонавий усулда тўқилаётган гиламлар сифати ва бежиримлиги билан ички бозорда ўз харидорларини топиб улгурди. Мазкур корхона ихчам ҳамда тежамкор минитехнологияларга асосланган бўлиб, бу ерда қисқа муддатда умумий ҳажми 1,5 минг квадрат метрлик турли ўлчам ва сайзайндаги гиламлар тайёрланди.

ЖАҲОНДА

• Дунёга машҳур кўшиқчи ва актриса Уитни Хьюстон 48 ёшида вафот этди. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Унинг ўлимига мунтазам спиртли ичимликлар ва гибҳанд моддалар истеъмол қилгани натижасида орттириб олган хасталиги сабаб бўлди. Уитни Хьюстон жаҳон кинематографиясида алоҳида эътироф этиладиган «Тансоқчи» фильмидаги роли ҳамда унда қуйлаган кўшиғи орқали машҳурликнинг юқори чўққисига кўтарилган.

• Индонезиянинг Фарбий Ява провинциясида йирик йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди. Бу ерда йўловчиларни олиб кетаётган автобус жарликка қулаб кетган. Оқибатда 13 киши ҳаётдан кўз юмган, қирқ киши тан жароҳати олган. Фожа автобус ва мотоциклнинг тўқнашиши натижасида юз берган. Бу вақтда йўловчи транспорт воситасининг тормоз тизими ишламай қолгани ҳам вазиятни оғирлаштирган.

• Буюк Британияда ўн беш йил давомида фақат товуқ гўштидан тайёрланган овқатларни истеъмол қилган ўсмир қиз оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. АКШнинг Калифорния штатидаги Стэнфорд университети мутахассиси Энн Хаттнернинг таъкидлашича, доим бир хил таом ейиш организм учун зарур бўлган моддалар етишмовчилигига олиб келади ва охир-оқибат инсон оғир хасталикка чалинади. Шу боис кундалик овқатланишда хилма-хилликка алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ экан.

• Бразилиянинг «TAM Airlines» авиакомпанияси қарашли самолёт Монтевидеодан Сан-Паулуга парвозни амалга ошираётган вақтда Порту-Алегри шаҳрига мажбуран қўндирилди. Бунга унинг бортидаги йўловчилардан бирининг ноҳўя хатти-ҳаракатлари сабаб бўлган. Яъни у учувчилар хонасига кириб, экипаж аъзоларидан бирига ҳужум қилган. Натижада лайнердагилар ҳаёти жиддий ҳавф остида қолган. Воқеадан хабар топган бир неча кишининг сай-ҳаракати билан безори зарарсизлантирилган. Кейинчалик маълум бўлишича, у одам асаб касаллигига чалинган экан.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бадий академияси Иқоу Хирояма номидаги Халқаро маданий карвонасида

Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллудига бағишланган кўргазма очилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги 123-мактабда «Алломалар сиймосидаги нур сийрати»

деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида футбол, касбий таълим факультетлари ўртасида спорт

қалари ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Телемунорасида сайёҳларга яратилаётган шароитларни яхшилашга доир йиғилиш уюштирилди.

ВАТАНПАРВАР

Офицер Рустам Жумаев командирлик қилаётган миномётчилар батареяси шахсий таркиби дала-ўқув машғулотларини юксак савияда ўтказишга интилиб, асосий диққат-этиборларини ҳар бир ҳарбий хизматчининг билим ва тажрибасини оширишга қаратишган.

— Амалий машғулотлар ҳар доим ўзини оқлаб келган, — дейди батальон командири офицер Носир Ортиқов. — Яъни, назарий жиҳатдан етарли билимга эга ҳарбий хизматчи амалий машғулот давомида сабоқларини янада пухта ўзлаштириб, тажрибасини оширади. Шунингдек, машдан машқа унинг малакаси орди, тобланади, касбий маҳорати шаклланади. Ёнидаги сафдошидан орда қолмаслик учун астойдил интилиб, муваффақиятга эришишни асосий мақсади деб билади. Бу жараёнда эса у тинимсиз изланади, ўқийди, билма-

чи оддий аскар Баҳриддин Атобоев билан нишоннинг оралки масофаси, баландлиги, шамол йўналишини ўрганиб чиқиб, тегишли қарорни қабул қилди. Командирнинг буйруғи билан ўқловчи оддий аскар Бунёд Эшбоев ўқ-дорини миномёт стволига жойлади. Нишонга қарата ўт очилди. Биринчи уринишнинг ўзиданқоқ берилган нишон яқин этилди. Гуруҳ шахсий таркиби навбатдаги муваффақиятни қўлга киритди. Шу тариқа машғулот кўтаринки рўнда давом этди, барча гуруҳлар жанговар вазифани муваффақиятли бажаришди.

Дала-ўқув машғулотида Кўникмалари янада ОРТМОҚДА

ганларини қайта-қайта сўраб ўрганади. Шу боисдан ҳам батарея гуруҳлари ўртасида ўзаро мусобақадорликни йўлга қўйганми. Шу кунларда батареяда сержант Алишер Ҳақимов етакчилик қилаётган миномётчилар гуруҳи илгорликни кўндан бермай келаяпти. Батарея командирининг таъкидлашича, бошқа гуруҳлар ҳам улардан орда қолмасликка ҳаракат қилишмоқда.

... Дала-ўқув майдони. Нишонларга миномётдан ўқ отиш машғулоти ўтказилаяпти. Ўқ отиш нуктасида сержант Ҳақимов гуруҳи командирининг буйруғини қутиб, нишонларга ўқ отишга шай туришибди. Бунга қадар гуруҳ шахсий таркиби хавфсизлик қондалари, миномётни жанговар шай ҳолатга келтириш, нишонни тўғри аниқлаш каби машғулотларда қатнашиб, билим ва кўникмаларини синовдан ўтказишди. Алоқачи шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Абдуғаффор Эргашев батарея командирига ўқ отиш майдони «тоза» эканлиги тўғрисидаги маълумотни етказди. Батарея командири бу маълумотни қузатув нуктаси бошлиғидан яна бир бор аниқлаштириб, сержант Ҳақимовга машғулотни бажаришга киришишга буйруқ берди.

Гуруҳ командири қўл остидагиларни йиғиб, барчага вазифаси бўйича қўрсатмалар берди ва техника хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилишларини таъкидлади. Шундан сўнг, гуруҳ шахсий таркиби жанговар вазифани бажаришга киришди. Миномётни ўрнатиш ва ўқ-дориларни сақлаш учун оқол қазилиб, ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз вазифасига кўра қўлай позицияни эгаллади. Гуруҳ командири мўлжалга олув-

— Қўл остидаги ҳарбий хизматчиларнинг тиришқоқлиги, вазифаси бўйича пухта билимга эга эканлиги илгорлар сафидан жой олишига замин яратмоқда, — дейди гуруҳ командири сержант А. Ҳақимов. — Шунингдек, гуруҳдаги ўзаро дўстлик, уюшқоқлик ва ишонч ҳам муваффақиятга эришишимизда катта аҳамият касб этаётди. Мақсадимиз дала-ўқув машғулотларини кўтаринки рўнда ўтказиш, билим ва тажрибамизни янада бойитиб, жанговар шайлигимиз, касбий маҳоратимизни ошириш, юртга муносиб посбон бўлишдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган ўқув йилида олий ҳарбий билим юртига ўқишга қабул қилинган 1-курс курсантлари учун ўтказилган қўрол-аслаҳа ва ҳарбий техника намоишида ҳам сержант А. Ҳақимов етакчилигидаги гуруҳ муваффақиятли иштирок этиб, миномётдан нишонларга ўқ отиш машини юқори даражада бажаргани учун эътирофга муносиб топилган эди.

Миномётчилар нишонларга ўқ отиш машқини тугатган ҳарбий хизматчилар уларига бириктирилган қўроллардан турли масофадаги нишонларга қундуқчи ва тунги ўқ отиш машғулотини ҳам бажаришди, билимларини синовдан ўтказишди.

Машғулотларни муваффақиятли ўтказишда сержант Ҳамроз Тожибоев, кичик сержантлар Нурбек Маммураев, Ғайбулло Нурбоев, Ҳасан Бегалиев, оддий аскарлар — Бобур Умарзоков, Озод Муҳаммадзонов, Абдор Раҳмонов, Фахриддин Абдулхамидов қабилар фаол иштирок этишиб, қўйилган вазифани аъло даражада удралашди.

Ахбор ОЧИЛОВ, лейтенант

Юртбошимиз ўтган йиллар мобайнида Қуролли Кучларимизда амалга оширилган улкан ишларга тўхталар экан, шундай таъкидлаган эдилар: «...Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, пул таъминотини ошириш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни раббатлантиришга қаратилган аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини сезиларли равишда яхшилаш имконини берди».

Дарҳақиқат, ўтган давр ичида республикамиз ўзининг ихчам ва ҳаракатчан, замонавий қўрол-яроғ ва техникалар билан таъминланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимиз осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган профессионал асосда шаклланган миллий армиясига эга бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ҳамisha биринчи галдаги муҳим вазифалар қаторида бўлиб келмоқда. Ҳарбий шахарчалар қуриш ва реконструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган барча қўлайликларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларининг тўлиқ бажарилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Маълумки, кейинги вақтларда қўлғу саналар муносабати билан ҳарбий хизматчиларимизга янги йуларнинг қалитлари топширилганлиги матбуот саҳифаларида кенг ёритилди. Ҳарбий шахарчалар бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда. Ҳарбий хизматчилар фарзандларининг таълим-тарбия олиши, бўш вақтларини сермазмун ўтказишларига жиддий эътибор берилмоқда. Дам олиш масканларида ҳам тури-туман тўғарақларнинг фаолият кўрсатаётганлиги ёш авлод тарбияси барчаннинг диққат марказида эканлигидан далолатдир. Бу албатта, Ватан ҳимоячиларига давлатимиз раҳбариятининг кўрсатаётган улкан эътибори ва ғамқўрлигининг амалдаги ифодасидир.

2007 йилдан Мудофаа вазирлиги марказий ҳарбий санаторийсининг фаолият кўрсата бошлаганига ҳам ана шу улкан эътибор ва ғамқўрликнинг узвий давомидир. Мазкур маскан ҳақида биринчи бор сўз қоритаятганимиз йўқ, албатта. Сўлим гўша ҳақида кўпчиликнинг нафақат тасавури, балки ёқимли ва унутилмас таассуротлари борлиги шубҳасиздир. Бу ерда марказий ҳарбий санаторий бошқармасининг ходимлари туну кун дам олувчиларнинг кўнгилли хордиқ чикаришлари учун жонбозлик кўрсатиб ишлайдилар. Даставвал эътиборингизни тортадиган нарса, санаторий худудининг ҳамisha тоза ва озодлигидир. Бунда яшнаб турган турфа гуллар, ўсимликлар, боғлар бу ерда меҳнат қилаётган камтарин инсонлар иккидир. Ҳа, бундай гўзалликни, саришталликни чиндан-да иккиди қиёслаш мумкин.

Йилдан йилга ихобий ўзгаришлар қилинмоқда. Дам олиш сувга шўнбиг, офтобда тобланиш билан янада мароқлидир. Санаторий бошқармаси томонидан керакли шароитларга эга ана шундай оромбахш жой фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда нафақат катталар, балки кичинтойлар учун ҳам мароқли, кўнгилочар машғулотлар борлиги диққатга сазовордир.

Бугунги кунда марказий ҳарбий санаторий бир вақтнинг ўзида 150 дан зиёд дам олувчиларни қабул қилмоқда. Бунда албатта, қайта реконструкция қилинган кўп қаватли бинонинг ишга туширилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу ердаги қўлайликларга унда хизмат қилаётган ходимларнинг ҳар бир дам олувчига ҳушмуомалилик билан кўрсатаётган эътиборлари ҳам қўшилиб, муҳитнинг янада кўнгилли бўлишига ҳисса қўшмоқда.

Тиббий хизмат катта лейтенант Нодиржон Холдордовдан дам олувчилар мамнун. У ўз ишига маъсулият билан ёндошиб, дам олувчиларга керак пайтда малакали тиббий ёрдам кўрсатиб, йўл-йўриқ ва маслаҳатлари билан кўмак бериб келмоқда.

САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДА

Ошхонанинг саранжом-саримшалиги бека маҳоратининг бир қиррасидир. Бу ерда ўз ишининг ҳақиқий усталари бўлган ходимлар меҳнат қилишади. Бош ошпаз Малика Тўлағанованинг меҳнат фаолияти бир неча ўн йилларни ташкил қилади. Тажрибали ошпаз ўз маҳоратини ишга солиб дам олувчиларнинг самимий эътирофларига сазовор бўлиб келмоқда. Бу ерда у билан ёнма-ён Раҳима Ражабова, Марабат Хайитметова, Санъат Бегметова, Карима Жамолдинова, Бахтинисо Усмонова, Шахноза Кенжаева, Севара Жамолдинова каби фидойилар хизмат қилишади.

Мазкур маскани ҳар қанча таърифласан ҳам қамлик қилади. Келинг, шу ўринда дам олувчиларнинг мулоҳазаларига бир қўлоқ тутаёлик-а. Истеъфодаги подполковник Бобокалон Рўзиев ўз таассуротларини шайрий йўл билан ифода-лашга ҳаракат қилганлар. Унда бу ерда амалга оширилган катта ишлар, ходимлар, хусусан марказий ҳарбий санаторий бошқармаси бошлиғи офицер Ақром Хушвақтов шай-нига илқ сўзлар айтилган.

— Бу ерда биринчи марта дам олишга келдик, — дейдилар отахон. — Набираларимнинг яйраб дам олаётганларини қўриш мен учун жуда ёқимли. Рафиқамга ҳам бу маскан жуда ёқди. Катта ишлар амалга оширилган. Қайси тарафга қарасанг ҳам қўларингни қувнатадиган бир гўзал манзара-

Тошкент шахар мудофаа ишлари бошқармасида чақирилувчиларни армияга тантанали жўнатиш маросими бўлиб ўтди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 12 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатил тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик, идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Тошкент шахар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник В.Тўхтаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади. Халқимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи ошди, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида олиш бўйича самарали тизим яратилди. Бу эса Қуролли Кучлар шахсий таркибини ҳар томонлама муносиб ёшлар билан тўлдириш имконини бермоқда. Миллий армиямиз изчил равишда тақомиллашиб бормоқда, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал, жанговар ва интеллектуал даражаси юксалмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш учун уларнинг дўстлари, қариндошлари ва ота-оналари йиғилди.

— Бугун икки нафар ўғлим — Ҳасан ва Ҳусан ҳарбий хизматга жўнаб кетмоқда, — дейди Раъно Каримова. — Ватанимизни ҳимоя қиладиган

мана шундай ўғлонларни тарбиялаб, вояга етказганимдан фахрланаман. Ўғиллари ўз она юрти тинчлигини ҳимоялаш йўлида хизмат қилаётганини билиш ҳар бир она учун катта шарафдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, бўлажак аскарларнинг кўпчилиги ҳарбий хизматга олдиндан тайёргарлик кўрган.

— Она Ватанини ҳимоя қилиш — ҳар бир эркакнинг муқаддас бурчи, — дейди чақирилувчи Жаҳонгир Дўсматов. — Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш менинг болаликдаги орзумдир. Шу боис, тестларга пухта тайёрландим, спорт билан шуғулландим, махсус курсларда ўқидим, муддатли ҳарбий хизматда асқотиши мумкин бўлган радиотелефонистлик билим ва кўникмаларини эгалладим. Мен тестлардан муваффақиятли ўтиб, яхши натижаларга эришдим. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлганимдан сўнг Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлиги билим юртига ўқишга кирмоқчиман.

Тошкент шахар мудофаа ишлари бошқармасида чақирилувчилар учун барча шароит яратилган — қуриб битказилган янги бино барча талабларга жавоб беради. Бу ерда ошхона, чақирув комиссияси учун алоҳида хоналар ташкил этилган.

Роман БОНДАРЧУК, ўзА мухбири



«ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЮРАГИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Журнал ўқувчиларини қадим ва гўзал Хивани боғриб кўришга таклиф этар экан, муаллиф ўзининг куйидаги мулоҳазаларини билдиради: «Ун метрли девор ва дарвозалар ортидаги Хива гўё вақт тўхтаб қолган палладаги шаҳарни эслатади. Эски шаҳарнинг масжид, мадраса ва саройлари унинг ўрта асрларда қадимги савдо қарвонлари туфайли гуллаб-яшнаганидан далолат беради. 57 метрли Исломуҳжа минораси мамлакатдаги энг баланд минора ҳисобланади. Тугалланмаган Калта Минор турли ранглардаги геометрик шакллар билан безатилган бўлиб, у ўрта Осиёнинг энг баланд минораси бўлиши керак эди».

Й.Франсеннинг фикрича, Хиванинг ЮНЕСКО томонидан жаҳон мероси объекти сифатида эътироф этилишига қўл жихатдан шаҳарнинг тарихий яхлитлиги ва бетакрор мейморий услуби сабаб бўлди. «Хива очиб осмон остидаги музей шаҳар бўлиб, унда мовий пештоқ ва гумбазларга эга бўлган кўпжаҳаматли бинолар мавжуд». Мақолада айнан шу заманда буюк олим Ал-Хоразмий яшаб ижод қилгани алоҳида таъкидланган. «Тарихдан маълумки, «алгоритми» ва «алгебра» каби тушунчалар унинг исмидан келиб чиққан», деб ёзади европалик журналист.

Мақолада Бухоро таассуротлари муаллиф томонидан атрофлича баён қилинган. У Бухоро шаҳри илм ва маданиятнинг энг қадимги марказларидан бири сифатида машҳурлигини алоҳида қайд этади. Шаҳарнинг бой тарихини қаламга олар экан, бу масканда маълум ва машҳур олим, табиб ва файласуф Абу Али ибн Сино таълим олгани ҳақида ўқувчиларга атрофлича маълумот беради. Улуғ аллома яратган «Тиб қонунлари» асари асрлар давомида бутун дунё таърихчилари учун бебаҳо манба ҳисобланиши ҳам ушбу мақолада қайд этилган. Бухорода қад кўтарган мейморий обидалар, жумладан, гиштан қурилган ажойиб Исмоил Сомоний мақбараси, маҳобатли Минораи Калон ўз гўзаллиги билан муаллифни жуда лол қолдирганини пайқаш қийин эмас.

«Бухоро — аҳолиси зич жойлашган, бир-бирига қарам-қарши қилиб қурилган ва бир-бирини ойна каби акс эттирадиган бозор, мадраса ҳамда масжидлар лабиринтидан иборат шаҳардир, деб ёзади у. Шаҳар марказида жойлашган машҳур Лаби ҳовуз бир пайтларда шаҳарни сув билан таъминлайдиган ўнлаб ҳовузаларнинг бири бўлган...».

Мақоланинг Самарқандга бағишланган қисмида муаллиф Амир Темур бошқаруви даврида бу шаҳар жуда улкан ҳудудни эгаллаган қудратли салтанатнинг пойтахти бўлгани айтиб ўтилади. Й.Франсен «ўз замонада энг маҳобатли ҳисобланган Биби Хоним масжиди қурилиши учун юзлаб филларда дунёнинг турли нукталаридан Самарқандга қимматбаҳо қурилиш ашёлари олиб келинган. Барвақт оламдан ўтган набираси учун Амир Темур гўзал оилавий мақбара қуришга фармон берган ва шу мақбарадаги нефритдан ясалган ёдгорлик остида Амир Темурнинг қабри жойлашган»ини ўқувчилар эътиборига ҳавола қилган.

Бутун шаҳар бўйлаб мақбаралар, ўрта асрга оид турли ёдгорликлар талайгина экани ҳам муаллифни ҳаяжонлантиради. «Бу обидалар тожининг марвариди, шубҳасиз, Регистон майдони ҳисобланади... Гўё гўзаллиги борасида бир-бири билан баҳслашаётган мадрасалардан иборат яхлит мейморий мажмуа Темурийлар томонидан бунёд этилган. Мирзо Улуғбек — Амир Темурнинг набираси ва беназир астроном Самарқандда расадхона ва биринчи дунёвий мактаб қурдирган. Фикр эркинлигининг яна бир далили сифатида Шердор мадрасаси хизмат қилади. Унинг маҳобатли пештоқда инсон ва жонотлар қиёфалари акс эттирилган, деб ёзади муаллиф.

Мақола ранг-баранг суратлар билан безатилган бўлиб, уларда Ўзбекистоннинг ажойиб маданияти ва мейморчилик обидалари, шунингдек, юртимиз табиятининг гўзал манзаралари ўз аксини топган.

«Жаҳон» АА Брюссел

ЯНГИ ТОШКЕНТ — ОСТАНА РЕЙСЛАРИ

«Ўзбектуризм» компанияси маълумотларига кўра, 2012 йилда Қозоғистоннинг «Air Astana» авиакомпанияси томонидан Остона-Тошкент-Остона рейслари йўлга қўйилади. Ушбу рейслар қатнови ҳафтасига икки марта амалга оширилади.

Айни пайтда «Air Astana» авиакомпаниясининг Embraer E-190 ҳамда Airbus 320 самолётлари Олмаста-Тошкент йўналишидаги 4 та рейс йўловчиларига хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг апрель ва июль ойларида Қозоғистон авиакомпанияси яна иккита E-190 русумдаги янги ҳаво кемасини фаолиятга йўналтиришни мақсад қилиб қўйган. Ушбу замонавий самолётлар ёрдамида Остона-Тошкент сафарини қўзғалган йўловчилар тез ва соз ўз манзилга етиб олишади.

Янги режага мувофиқ илгаридан рейслар жадвалига мансуб бўлган Тошкент-Остона йўналишидаги қатновлар сони кўпайиб, ҳафтасига 5 мартага етади.

Ҳозирги вақтда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан ҳафтасига икки марта Остона-Тошкентга доимий рейслар амалга оширилмоқда.

«Туркистон-пресс»

Инобат ИБРОХИМОВА

Ёшлик шижоати, изланишлар ва интилишлар маскани, орзу ва умидлар гўшаси бўлиши талабалар шахарчасида ҳаёт ҳамиша бирдай шиддатли ва жўшқин давом этади. Чунки бу ерда умидли ва ёрқин ниятларни қалбларига синдириб олган ёшлар келажакка ишонч кўзи билан боқиб дадил қадам билан юксакларни забт этишга ҳаракат қилмоқдалар.



Ёшлар — келажакимиз

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси «Д» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни Тошкент шаҳри жамоат транспортида «Мерседес-Бенц», «Исузу» русумли автобусларда ҳамда трамвай вагонларида ИШЛАШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи — 450-850 минг сўм.

Куйидаги манзил ва телефон рақамларига мурожаат қилинг:

1. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси — Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, телефон: 233-03-23.

2. «Тошавтобустрас» АК — Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, телефон: 234-90-36.

3. «Тошэлектротранс» ДК — Юнусобод тумани, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, телефон: 244-24-75.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси

— Жорий йилнинг 11 февралда «Ёшлик» талабалар шахарчасининг расмий маъмурий-худудий мақомига эга бўлганига 20 йил тўлди. Мўъжазгина шахарчамизда фикри ҳаёли ўқиш, изланиш ва янги ихтироларни яратиш, дунё мамлакатлари нигоҳида, юртимиз довуғини янада сарбаланд қилишга интилаётган ёшлар тахсил оладилар, — дейди «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокими вазифининг бажарувчи Самужжон Ҳикматов биз билан суҳбатда. — 45 мингга яқин талаба-ўқувчилар тахсил оладиган масканимизда ёшларнинг билим олишлари, яшаш ва ўз устиларидан ишлашлари учун барча имкониятлар яратилган. Шаҳарчамиз айнан мустақиллик эпкинлари остида янада гўзаллашиб, чароғон ва нурли бир илм масканига айланганда, кўрган кўзларни қувнатади. Қайси томонга қараманг, ёшлик гўзаллигини кўрасиз, келажакка интилаётган, қалби яратиш ишчи билан ёнаётган, тиниб-тинчимас бегубор нигоҳларга дуч келасиз. Уларнинг шодон чеҳрасида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, халқимизга бўлган меҳр уқунларини, қалбларидан тошиб келаятган нидода эса, мен мустақиллик фарзандиман деган сўзларни илғаб олиш қийинмас. Шаҳарчада талаба-ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун қатор қўлайликлар яратилган. Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «Аёллар куни», пайшанба «Тозалик куни», жума «Талабалар оқшоми», шанба «Спорт куни» деб белгиланишининг ўзи, бу гўшада қизгин ҳаёт давом этаётганини тасдиқлайди. Охириги йилларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам жадвал суръатлар билан амалга оширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 5 минг туپ манзарали дарахт, 400 туپ игна баргли дарахтлар, 30 минг дона гул кўчатлари, 226 мингдан зиёд мавсумий гуллар, 3 мингта терак, 50 дона каштан, 50 дона сафора, 6 мингдан зиёд арча, 6 минг дона атиргул ва бошқа кўчатларнинг ўтқазилиши шахарчанинг нафақат ташқи кўриниши, балки унинг ҳавоси тозаллигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин, ўтган йили 18 та болалар

майдончаларининг барпо этилиши, 2 та мактабгача таълим муассасасининг капитал таъмирдан чиқарилиши ва «Парҳез таомлар» ошхонасининг ишга туширилиши мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига муносиб совға бўлди. Ҳар бир амалга оширилаётган эзгу ишларимиз мазмун-моҳиятида ёшлар келажак ва уларнинг бахтли, фаровон ҳаёти қамраб олинган.

Дарҳақиқат, «Ёшлик» талабалар шахарчасини имконият ва изланишлар оstonаси деб аташ мумкин. Энг йирик илмий ҳамда тиббий марказ ҳисобланган бу шахарчада, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райхон Беруний

публика Урология маркази, Республика кўз касалликлари шифохонаси ва кўлаб тиббиёт муассасалари жойлашган.

Спорт мажмуалари, теннис кортлари, волейбол, баскетбол майдончаларининг қайта таъмирланиши билан бирга 2 та гимнастика ва белбоғли кураш заллари сузиш ҳавзаларининг ташкил қилиниши талабаларни спортга ошно этиш борасидаги ишларнинг жадвал суръатлар билан амалга оширилаётганидан далолатдир.

Юқорида таъқидлаб ўтилганидек, «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳокимлиги томонидан барча талабалар турар жойларида ҳафтанинг ҳар бир кунини турли тадбирлар ўтказишнинг ташкил қилиниши ҳам, ёшларнинг бўш вақтларини унумли сарфлашига хизмат қилади. Шунингдек, ҳар ўқув йили якуни сарҳисоби бўйича жамоат ишларида фаол иштирок этган талабалар учун «Энг фаол талабалар кенгаши раисси», «Энг ташаббускор талаба», «Энг яхши талабалар турар жойи тарғиботчиси», «Энг фаол «Камолот» етказчиси», «Энг ижодкор талаба», «Энг яхши иш олиб борган декан ўринбосари», «Энг обод ҳудуд», «Энг аҳил талабалар турар жойи» каби кўлаб номинациялар бўйича анъанавий равишда ўтказиб келинаётган танловлар шахарчанинг янада гуллаб-яшнаши, ёшларнинг аҳиллиги, бирдамлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлайдиган асосий воситалардан биридир.

Шаҳримиз миқёсида ўзига хос нуфузга эга бўлган талабалар шахарчаси кўчаларини кезар эканмиз, изланувчан ва интилувчан ёшларнинг нурли чеҳраларига дуч келаварамиз. Мақоламизни эса оддийгина сўз билан яқунлашни истардик. Азизлар, бебаҳо ёшликнинг қадрига етинг, илм чўққиларини эгалланг, эро, бу борада сизлар учун жаҳон андозалари даражасидаги барча шарт-шароитлар яратилган.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: «Ёшлик» талабалар шахарчаси ҳаётидан лавҳалар

БИЛИМ ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЗАБТ ЭТМОҚДАЛАР

номидаги Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Турин политехника университети каби жами 24 та таълим муассасалари жойлашган.

Шаҳарчада 5309 нафар профессор-ўқитувчилар, 24 нафар академик, 323 нафар профессор, 452 та фан доктори, 776 та доцент ва 1256 фан номзодлари, 2478 нафар ўқитувчилар ва 8 мингга яқин ишчи ходимлар фаолият олиб борадилар.

Республикамизнинг турли вилоятларидан келган ўн мингдан зиёд ёшлар 15 та таълим муассасаларига қарашли бўлган, замон талабларига жавоб берадиган анжомлар билан жиҳозланган талабалар турар жойларида истиқомат қилади.

Ушбу гўшада Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги 1 ва 2 сонли Республика шифохоналари, Рес-

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ОИЛАЛАР МАНФААТИ — ҲИМОЯДА

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкни асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 10 апрелда қабул қилинган «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматларининг қўламини ва сифатини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда ушбу хизматларнинг замонавий турлари жорий этилиб, соҳада рақобат муҳити ривожланмоқда. Суғурта ташкилотлари капиталлашув даражасининг оширилиши натижасида уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланаётди.

«Узагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси ана шундай барқарор хизмат кўрсатиб келаятган молия ташкилотларидан бири. Ҳозирги кунда компаниянинг қарийб 190 ҳудудий бўлими, 21 шўба корхонаси ва 600 га яқин агентлик шохобчаси аҳолига кенг қўламли суғурта хизматларини кўрсатмоқда. Корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар мулкни, транспорт воситаларини суғурталаш, ихтиёрий-тиббий суғурталаш, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шулар жумласидандир. Айни пайтда компания экинларнинг турли табиий офатлар, зараркунандалар ва касалликлар оқибатида нобуд бўлишидан кўриладиган молиявий зарарларни қоплашда фермерларга яқиндан кўмаклашаётди.

«Узагросуғурта» компаниясидан маълум қилишларича, компанияда суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш мақсадида жисмоний шахслар учун кенг ҳажмдаги

«Мустаҳкам оила» ва «Мустаҳкам оила равнақи» деб номланган янги хизматлар ишлаб чиқилган.

«Мустаҳкам оила» хизмати бахтсиз ҳодисалар, меҳнат лаёқатини йўқотган ёки ўлим ҳолатларида суғурталанган киши ва унинг оиласига моддий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Олинган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятни қоплаш ҳам ана шундай имкониятлар сирасига киради.

«Мустаҳкам оила равнақи» суғурта хизмати аҳолининг мол-мулкига етиши мумкин бўлган зарарлар, бахтсиз ҳодисалардан суғурта ҳимоясига қаратилган бўлиб, мол-мулкни ёнгин, портлаш, зилзила ва бошқа табиий офатлардан суғурта қилади.

Маълумки, бахтсиз тасодиф оқибатида инсон ҳаёти хавф остида қолиши билан бирга жабрланувчи, унинг оиласи катта миқдорда моддий зарар ҳам кўради. Фуқароларни бундай ноҳус вазиетлардан қўллаб-қувватлаш мақсадида таклиф этилаётган мазкур хизматларда бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, бахтсиз ҳодисалардан оилавий суғурта қилинса, тоvon пули тўрт миллион сўм бўлиб, суғурта жавобгарлиги учун 0,15 фоиз миқдорда тариф қўлланилади. Йиллик суғурта бадали олти минг сўм этиб белгиланган.

Кутилмаган тасодифлардан ҳеч қим тўла ҳимояланган эмас. Ҳар бир инсоннинг хавфсизлик қондаларига тўла амал қилиши ва ўз мол-мулкни суғурталаб қўйиши оилалар мустаҳкамлигига хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА МУХБИРИ

Одамзод дунёга келибдики, барча каби тенг ҳуқуқли таълим олишга, ўзини жамиятнинг бир бўлаги дея ҳис этиб умргузаронлик қилишга ҳақли. Аммо, дунёда шундай инсонлар ҳам борки, улар тақдирнинг ҳукми билан ёки айрим ота-оналарнинг қачонлардир қилган хатоликлари оқибатиданми, бошқаларга нисбатан кўпроқ эътибор, меҳр-мурувват ва алоҳида гамхўрликка муҳтож.

Ана шундай ижтимоий ҳимояга муҳтож болажонларимиз учун бизнинг меҳридарё ўлкамизда Истиқлол шарофати билан Юртбошимиз раҳнамолигида барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Замонавий билим ва шифо масканлари, нанотехнологиялар, энг асосийси, малакали, ўз ишига масъулият билан ёндошадиган мутахассислар ва алоҳида эътибор талаб қиладиган инсонларни қўллаб-қувватловчи нодавлат нотижорат ташкилотлар шулар жумасидандир.

Республика онкология марказида юқорида қайд этиб ўтилган талабалар асосида фаолиятини юритаётган болалар онкологияси бўлимида ҳам бугунги кунда барча шарт-шароитлар мавжуд. Бу ерда келажакка умид қўзи билан боқаятган 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар мунтазам назорат остида эътибор талаб қиладиган турли ўйинлар, қизқарли машғулотлар билан ҳам шуғулланади.

«Камолот» ЕИХ шахар бўлими Кенгаши фаоллари ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси вакили Наргиза Раимова айтиб ўтганидек, ташкил қилинган ушбу навбатдаги ўйиннома тadbир нафақат болажонларнинг балки ота-оналарнинг ҳам кўнгилларини янада руҳлантириди, ўзларини ҳеч қимдан кам эмасликларини ҳис

Шаҳримизда жойлашган Республика онкология марказининг болалар бўлимида бугунги кунда 60 нафар турли ёшдаги кичкинтойлар онкология хасталикларни энгиб ўтиш йўлида даволанмоқдалар. Кунни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ушбу шифо масканидагиларга меҳр улашиш, уларнинг ҳаётга бўлган ишонч ва умидларини янада кучайтиришга ҳисса қўшиш мақсадида семинар — ўйинлар ташкил қилинди.

«Камолот» ҲАР БИР ФАРЗАНДГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

қилишларида муҳим аҳамият касб этди.

— Болажон халқимизда ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом воёга етиб, ҳаётда ўз ўринларини топиб кетиши учун уларга тарбия ва билимдан ташқари энг кераклиси меҳр-оқибат кўрсатиш керак, деган сўзлар бежизга айтилмаган, — дейди шифохонанинг онкология бўлими мудири Тожидин Мустафоев. — «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар, қўли, кўнгли очик ҳомийларнинг доимий эътибори бу ерда даволанаётган болаларнинг тезроқ оёққа туришлари учун жуда муҳим.

— Гулгунчалар кўнгилларининг шодликка тўлганини кўрган «Камолот»чилар ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси вакиллари, шифокорлар режа асосида келгусида ҳам ҳар ҳафтада бир марта шундай ўйинларни ўтказишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар.

— Одамзод бир марта дунёга келади, — дейди «Камолот» ЕИХ мутахассиси Лазоқат Қодирова. — Биз ташкилотчилар марказда даволанаётган кичкинтойларнинг кўларидоги қувончнинг кўриб ўзимиз ҳам хурсанд бўлдик. Мамлакатимизда ҳар бир воёга етмаган фарзанд, ҳар бир инсон қадр ҳар нарсадан устун ва унинг ҳуқуқлари ҳамиша давлат ҳимоясида. Бинобарин, келгусида ҳам шундай хайрли ишларни янада кўпроқ амалга оширишни инсонийлик, қолаверса Ватан олдидаги бурчимиз деб биламан.

Садоқат АСЛАНОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ Куйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудири: «Архитектура муҳитлари дизайни», «Раши, рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик», «Жисмоний тарбия», «Қурилиш материаллари ва кимё», «Ўзбек ва хорижий тиллар», «Фалсафий ва ижтимоий сиёсий фанлар», «Менежмент».

Профессорлар: Архитектуравий лойиҳалаш, шаҳарозолик ва ландшафт архитектура, Архитектура тарихи ва назарияси, қурилиш материаллари ва кимё, Гидротехник иншоотлар, замин ва пойдеворлар, қурилиш механикаси ва иншоотлар эзиллабардошлиги.

Доцентлар: Архитектуравий лойиҳалаш, Архитектура тарихи ва назарияси, Архитектура муҳитлари дизайни, шаҳарозолик ва ландшафт архитектура, геодезия ва кадастр, инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш, қурилиш материаллари ва кимё, Қасбий педагогика, Бино ва иншоотлар, иктисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, менежмент, Математика ва табиий фанлар.

Катта ўқитувчилар: Архитектуравий лойиҳалаш, Архитектура тарихи ва назарияси, Архитектура муҳитлари дизайни, геодезия ва кадастр, Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги, Қасбий педагогика, Математика ва табиий фанлар.

Ассистентлар: Архитектуравий лойиҳалаш, Архитектура муҳитлари дизайни, геодезия ва кадастр, иктисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш, ўзбек ва хорижий тиллар.

Кафедра мудири лавозими танловдаги фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13, ходимлар иш юритиш бўлимига ёки Илмий котибга уррашлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 244-18-78, факс 241-80-00.

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориши тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан 23.08.2010 йилдаги 1-221/2010-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мумтоз (собиқ Каримов) кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган «ВАЗИР Д» МЧЖ га қарашли бошланғич нархи 2 415 883 713 сўм бўлган, умумий майдони 34577 кв.м. 12 та бино, 2 та бинонинг бир қисми ва 6 та иншоотлардан иборат кўчмас мулклар (собиқ ТашОП) мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 2 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 307-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 % дан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ нинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-53-61. Лицензия: №0039

2011 йил 12 октябрда 007400 рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган «ASR GULI DIZAYN» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 302116629) тугатилади.

Даъволар бир ой мuddат ичида Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лампазор кўчаси, 28-уйда қабул қилинади.

Тел: 779-96-21.

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон – Япония алоқаларининг 20 йиллигига бағишланган «Дўстлик тароналари» концерт дастури бўлиб ўтди.

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Ўзбекистон бадиий академияси, Япония элчихонаси, Халқаро маданият қарвонсаройи ва Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилган концерт дастурида Халқаро маданият қарвонсаройи қошида ташкил этилган «Буюк Ипак йўли наволари» классик мусика тўраганининг ҳаваскор қатнашчилари ижросида ўзбек, япон, рус ва италия тилларида кўшиқлар ижро этилди.

Санъат халқларни бирлаштиради. Халқ кўшиқлар сеҳридан завқ олиб, юртга бўлган ҳурмат ва эътибори янада ошади.

Ўзбек миллий кўшиқларини куйлаш менда кўп қийинчилик туғдирмади, — дейди Япон халқаро ҳамкорлик агентлиги волонтери Чиэ Айзава. — Чунки бошқа давлатлар миллий кўшиқларига қараганда ўзбек кўшиқларининг япон миллий кўшиқларига ўхшашлик томони бор экан. Сизнинг тилингизда кўшиқ айтиш менга жуда ёқди. Кўшиқ-

ларингизни ижро этишга бўлган иштиёқим янада ортди.


Ч. Айзаванинг таъкидлашича, А.Навоий номидаги ўзбек Давлат академик катта театри солисти Шукур Фафуровнинг репертуари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ундан Риголетто, Жермон (Ж. Вердининг «Риголетто», «Травиата»), Фигаро (Дж. Россинининг сивилиялик сартарош), Елецкий, Роберт, Евгений Онегин (П. Чайковскийнинг «Пиковая дама», «Иоланта», Евгений Онегин), Шоҳ Баҳром (Мухтор Ашрафийнинг «Дилором») ва бошқалар ўрин олган.

Концертда Чиэ Айзава ижросида С.Юдаковнинг «Дугоналар» кўшиғи, Шукур Фафуров ижросида В. Моцартининг «Дон Жуан» операсидан «Дон Жуан» арияси ва Шидзуко Кори ва Жунко Оно ижросида М. Бурҳоновнинг «Баҳор кўшиғи» ижро этилди.

Бобомурод ИБРАГИМОВ



Болажонлар — спорт билан ҳамнафас



Спорт янгиликлари

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент вилоятида тоғ чанғиси бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида мамлакатимизнинг маҳоратли спортчилари голиблик учун кураш олиб боришди.

Мусобақанинг «супер гигант» йўналиши бўйича эркаклар ўртасидаги баҳсларда Дмитрий Бабиқовга шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаш насиб этган бўлса, Артём Лораков иккинчи ўринни, Артём Семенченко эса учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар беллашувларида Ксения Григорьевага тенг келадиган рақиб топилмади. Қолган совринли ўринларга Гулиза Гаюпова ва Мадина Расулова лойиқ топилди.

Шаҳримиздаги «Динамо» спорт мажмуасида 1993-1994 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида дзюдо бўйича уюштирилган халқаро турнир юртимизда спортнинг ушбу тури жадаллик билан ривожланаётганлигини яна бир қарра исботлади.

ЁШ ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ

Чунки Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган тўрт юзга яқин спортчи ўртасидаги баҳслар 7 вазн тоифасида ташкил этилди ва барча вазнлар бўйича беллашувларда совринли ўринлар асосан юртдошларимизга насиб этди.

Мусобақани кузатган мутахассислару мутасаддилар ҳамда мухлисларда шоҳсупа-

нинг энг юқори поғонасига кўтарилган Алижон Бойқулов, Жалол Отамуродов, Нуриддин Тилаовдиев, Муҳаммадқодир Қаюмов, Элбек Эшмуродов, Жаҳонгир Қодирқулов каби ҳамюртларимизнинг хатти-ҳаракатлари илиқ таассурот уйғотди. Энг оғир — 100 килограммгача вазнда эса биринчи ўрин қирғизистонлик Болот Токтоқовга насиб этди.

БАҲОДИР ЯНА ТЕРМА ЖАМОА САФИДА

Маълум муддат Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийлари эътиборидан четда қолган моҳир ҳужумчи, Боқунинг «Нефтчи» клуби футболчиси Баҳодир Насимов яна миллий терма жамоа машғулотларига жалб этилди.

Эндиликда Баҳодир Насимов Жанубий Корея миллий терма жамоасига қарши уюштирилладиган ўртоқлик учрашувида ҳамда 29 февралда сафарда Япония терма жамоасига қарши ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш турнири гуруҳ баҳсида майдонга тушиши ва тўпурарлик маҳоратини намойиш этиши мумкин.

ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

2011 йилда Ўзбекистонда 1 миллиондан зиёд хорижий ва маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатилди. Бу ҳақда «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг 2011 йил якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида маълум қилинди.

Йил давомида сайёҳлик ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатилган меҳмонларнинг 463 минг 400 нафари хорижлик сайёҳлар бўлиб, бу 2010 йилдагига нисбатан 5 фоиз кўпдир. 2011 йил давомидаги жами сайёҳлик хизматлари қамрови 2010 йил кўрсаткичларига нисбатан 8,3 фоизга ошгани соҳанинг мунтазам ривожланиб бораётганлигидан далolat беради.

Ўтган йили сайёҳлик хизматларини янада ривожлантириш, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ошириш мақсадида 124 та ташкилотга янги гувоҳномалар берилди.

Бугунги кунда Республикада жами 828 та туристик ташкилотлар мавжуд. Улардан 510 таси сайёҳлик фирмаси бўлса, 318 таси меҳмонхона хўжалиги билан шуғулланади.

Мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, чет эллик сайёҳларни кўпроқ жалб этиш мақсадида «мега-инфо-тур» тадбирлари ташкил этилди. Уларда туризм соҳасини ри-

вожлантириш ва ёритиш мақсадида дунёнинг 36 та давлатидан 580 дан зиёд сайёҳлик ташкилотлари ва 46 та оммавий ахборот воситалари вакиллари мамлакатимизга ташриф буюрган. Улар мамлакатда кўрсатилган сифатли сайёҳлик хизматлари, соҳадаги ўзига хос янгила-нишлар, миллатимизнинг ривожланиши кўриб, беҳад мамнун бўлишди.

2012 йилда 2011 — 2012 йилларда мамлакатнинг барча ҳудудларида туризм соҳасини ривожлантириш ва сайёҳлик хизматлари салоҳиятини юксалтириш мақсадидаги тадбирлар Дастурини амалиётга табиқ қилиш ишлари давом эттирилади. Бу борадаги тадбирлар доирасида 2012 йил хотимасигача республикамизда 77 та меҳмонхона, 90 та сайёҳлик кўрик мажмуаси, 70 та сервис хизматлари объекти қурилиши ва 53 та янги автобус ва микроавтобусни феолиятга жалб этиш режалаштирилган.

«Туркистон-пресс»

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган мамлакатимиз чарм кўлқоп усталари муваффақиятли иштирок этишди.

ҚИРҒИЗИСТОНДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Россия, Хитой, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистоннинг 200 нафардан зиёд чарм кўлқоп усталари голиблик учун кураш олиб борган ушбу халқаро турнирда вакилларимиз биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Вазни 81 килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртимиз Ойбек Мамазулонов кетма-кет тўрт беллашувда барча рақибларидан кучли, маҳоратли эканлигини исботлаб, биринчи ўринни эгаллади ва олтин медал билан тақдирланди.

Шунингдек, 49 килограммгача вазн доирасидаги беллашувларнинг учтасини ўз фойдасига ҳал этиб, фақатгина финалда рақибига имкониятни бой берган Шаҳобиддин Зоировга кумуш медал насиб этган бўлса, истеъдодли ёш боксчимиз Шоҳрух Хўжабеков 56 килограмм вазн тоифасида учинчи ўрин эгасига айланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.



ҲИКМАТ — ДИД ЧИРОҒИ ТЎРТЛИКЛАР

Инсонсан, гоҳ-гоҳи кечиргувчи бўл, Мехринг булоғидан ичиргувчи бўл. Чоҳдан ташқарида турибсан ахир, Чоҳда турганларга узатсанг-чи, қўл.

Тоза туйғуларга тилақдош бўлсанг, Гоҳ-гоҳи тошга ҳам

юракдош бўлсанг, Ўйлама, бу гапни ўйнаб айтмадим, Қанийди, эл учун керак тош бўлсанг.

Тўкилган япроқни еллар эрмаклар, Япроғин хор кўриб титрар тераклар. Олам томошага қурилган бозор, Тошни ҳам бўзлатар

бу тошюраклар. Оринг гар қонингда оқиб тургайдир, Зоринг жисму жонинг

ёқиб тургайдир. Юрсанг йўллар ярашгай сенга, Изингдан ҳаваслар боқиб тургайдир.

Сел келса тошлар ҳам хасдек оқади, Ўт кетса ўрмонни хасдек ёқади.

Ўт, сув балосидан ёмондир тухмат, Туну кун жисмингни чаён қақади.

Ўлгунча боласан отанг олдида, Сўлмаган лоласан онанг олдида. Чархнинг ўйинига ёқа ушлайсан, Қартайгач боласан, боланг олдида.

Сўз излаб сарғайган кунларим бўлди, Сўз излаб қорайган тунларим бўлди. Бунча ҳам мўътабар экан шеър сўзи, Топганда титрадим, кўзларим тўлди.

Шоирман, қаламим қадримга устун, Оқ қоғоз ҳар кунги оқ тилак, дўстим. Бизнинг орамизга қил

ҳам сигмайди, Шеър билан бутлаймиз дилнинг кам-қўстин.

Ҳар умр шомида ой ботар чоғда, Тизсангача ғамдан лой ботар чоғда, Сендан ризоларни гар кўргинг келса, Ёру дўстларингни қолдирма доғда.

Дардга чора излаганга чора бордир, Нафсга пора излаганга пора бордир. Чора билан вале пора орасинда Одам отлик битта юзи қора бордир.

Яшаш ҳам вақтинча амалга ўхшар, Бир ойда ўтгувчи ҳамалга ўхшар. Кеча аввал эди, бугун-чи, охир, Дунё кўрпачасин бир зумга тўшар.

(Давоми бор) Маҳмуд ТОИР

Ўзгидромет ража илиқ атрофида бўлади. **Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра 15 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг биров йиғилишига имконият ярадади. Атмосферанинг ифлосланиши даражеси 1-3 фаз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори совуқ, кундузи 0 — 2 даражага пас бўлади.**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 15 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, энгил қор ёғиши, туман тушиши мумкин. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тезлик-да шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8 даража совуқ, кундузи 0 — 2 да-

КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ ТАЪЛИМДА

Мамлакатимиз таълим тизимида ва информатика фани бўйича қатор технологик жараёнлар амалга оширилмоқда. Веб-технология асосида электрон дастур яратилганлиги муҳим янгилик бўлди.

Ўқувчи-ёшларга касблар тўғрисидаги маълумотларни етказиш мақсадида «Касблар олами» электрон дастури ҳам тайёрланди. Мактабларнинг юқори синфлари ўқувчилари эса икки қисмдан иборат «Касбим — фаҳрим» ўқув фильмидан фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик тасарруфидаги мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази фаолияти ҳам кенгайиб кетди.

«Алифбо» сабоқлари, «Эртақлар олами», «Алифбо» электрон ресурслари юзага келди. Марказ Республи-

ка таълим маркази ҳамда дастурий маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар билан ҳамкорликда, шунингдек, «Физика виртуал лаборатория», «Компьютер технологиялари бўйича таълим» каби электрон қўлланмаларни ҳам яратди.

Ҳисоблаш техникасининг ривожланиш тарихи, компьютер техникаси воситалари, дастурий таъминотиға оид қўшимча материалларни Интернетдан излаб топиш ва фойдаланиш машғулотлари йўлга қўйилди.

Акбар АЛИЕВ

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшлар: 233-28-95, 236-57-65 факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитинга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11698 нусхада босилди. Қозғ бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.15